



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 30 » октябрь

№ 678

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий хукуқий ахборот маркази фаолиятини ташкил этиш, шунингдек аҳолининг хукуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хукуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон Фармони ижроси юзасидан, шунингдек аҳолининг хукуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хукуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон Фармонининг 11-бандига мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) “Адолат хукуқий ахборот маркази” давлат муассасаси, “Инсон ва қонун” газетаси таҳририяти” давлат унитар корхонаси ҳамда “Хукуқ ва бурч” ижтимоий-хукуқий журнали” таҳририятини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида Вазирлик қошида давлат муассасаси шаклидаги “Адолат” миллий хукуқий ахборот маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилганлиги;

б) Марказ:

аҳоли ва ижрочиларга жамиятда аҳолининг хукуқий онги ва хукуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган хукуқий ахборотларни ҳамда тарғибот материалларини тайёрлаш ва тезкор тарқатиш, шунингдек, норматив-хукуқий хужжатлар матнларини расмий эълон қилиш соҳасида республиканинг етакчи давлат муассасаси ҳисобланиши;

таркибидаги “Инсон ва қонун” газетаси таҳририяти ҳамда “Хукуқ ва бурч” ижтимоий-хукуқий журнали таҳририяти амалдаги хизмат кўрсатиши соҳаларини саклаб қолган ҳолда фаолият юритиши ва ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши, ушбу маблағларнинг етишмаган қисми

эса Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Марказнинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини шакллантириш ва юритиш, ундан жисмоний ва юридик шахсларнинг белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлаш, шунингдек ушбу миллий базада норматив-хукуқий ҳужжатларнинг расмий нашр этилишини, уларнинг туркумлаштирилган ҳисобини ва назорат нусхаларини электрон шаклда юритилишини таъминлаш;

норматив-хукуқий ҳужжатлар матнларининг ҳамда зарур бўлган тақдирда, тегишли ахборот-тахлилий материалларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича барча давлат органларига ва ташкилотларга электрон шаклда юборилишини таъминлаш;

аҳолининг хукуқий онги ва хукуқий маданиятини юксалтириш бўйича манзилли ва предметли хукуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлар билан биргалиқда норматив-хукуқий ҳужжатларнинг норма ва қоидаларини аҳолига тушунтириш бўйича намунавий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш;

норматив-хукуқий ҳужжатларнинг моҳиятини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамиятини кенг ёритиш бўйича ахборот-тахлилий медиа материалларни, шу жумладан, аудио- ва видеороликлар, ижтимоий рекламалар, воқеа жойидан репортажларни тайёрлаш ва тарқатиш, шунингдек, босма ва электрон даврий ижтимоий-хукуқий нашрларни тайёрлаш ва чоп этиш;

расмий нашрлар – “Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами”, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўплами”нинг, даврий нашрлар – “Инсон ва қонун” газетаси, “Хукуқ ва бурч” ижтимоий-хукуқий журналининг ҳамда бошқа нашрлар – юридик адабиётлар, жумладан юридик дарсликлар, шарҳлар ва турли қўлланмаларни белгиланган тартибда чоп этилишини таъминлаш;

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда хизматлар кўрсатиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмасига кўра шартнома асосида норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда бошқа хукуқий ва бошқарув ҳужжатлари намуналарини тайёрлаш, шунингдек ижтимоий-хукуқий ахборотларни кенг ёритишга қаратилган медиа материалларни тайёрлаш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий хукуқий ахборот марказининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 65 нафардан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида Марказнинг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, Марказнинг айрим мутахассислари (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси билан боғлик илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассислар, шунингдек, режиссёр, креатив муҳаррир, мухбир, дизайнер, тасвиричи, видеомонтажчи, АКТ мутахассиси ва б.) Марказ томонидан кўрсатилган хизматлардан келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан меҳнат бозоридаги ҳақиқий конъюнктурани ҳисобга олган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб қилинади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиши ва юридик ёрдам кўрсатиши тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги 741-сон қарорининг 10-бандига мувофиқ:

а) Марказга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилиши;

б) Марказ ходимларига Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарорида белгиланган давлат хизматчилари лавозим маошларига устама ҳаки ва ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳак тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари бир ярим баравар миқдорда қўлланилиши, шунингдек аввалги иш жойида узоқ йиллик хизмати учун берилган устама ва қўшимча тўловлар, маҳсус ва даражали унвонлар сақлаб қолиниши;

в) Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари куйидагилар ҳисобланиши инобатга олинсин:

Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси, шунингдек адлия органлари ва муассасаларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари;

халқаро институтлар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грантлари ва ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ходимларининг меҳнатига ҳак тўлаш миқдорлари, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шартлари Марказ уставида белгиланади, бунда Марказ ходимларининг иш ҳаки Вазирлик марказий аппарати ходимларининг иш ҳаки миқдорларидан ошиб кетмаган ҳолда назарда тутилади;

Марказ фуқароларга ҳуқуқий ахборотни тарқатиш соҳасида, шунингдек жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда турли инновацион усулларни, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий

тажрибаларини татбиқ этиш юзасидан ушбу соҳадаги нодавлат нотижорат ташкилотлари билан мунтазам ҳамкорликда иш олиб боради;

“Инсон ва қонун” газетаси таҳририяти ҳамда “Ҳукуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририяти бош муҳаррирлари Марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

6. Вазирлик бир ой муддатда:

Марказ уставининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

Марказ штатлар жадвали ва харажатлар сметаси тасдиқланишини;

“Инсон ва қонун” газетаси ҳамда “Ҳукуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририятлари низомларининг ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазилишини;

Марказ фаолият турлари бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотищдан тушадиган маблағлар келиб тушишининг алоҳида ҳисобини юритиш учун шахсий ҳисобварақлар очилишини;

Марказнинг соҳа фаолияти бўйича чукур билимларга ва амалий иш тажрибасига эга малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

7. Вазирлик:

a) 2022 йил 1 марта қадар:

Марказ билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини босқичма-босқич модернизация қилиш чораларини кўрсинг;

фойдаланувчилар учун қулай матн, аудио ва видео ахборот тарқатиш имкониятларига эга бўлган “Инсон ва қонун” газетаси таҳририяти ҳамда “Ҳукуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририятининг ахборот порталини ишга туширинг;

б) Марказни барча қулайликларга эга бўлган мос бинога жойлаштирилишини ва зарур медиа материалларни яратиш ва тарқатиш учун энг янги ахборот технологиялари ва рақамли ускуналар билан жиҳозлаш чораларини кўрсинг.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказнинг буюртманомасига кўра уни белгиланган тартибда зарур бўлган алоқа турлари ва воситалари билан таъминласин, шунингдек кенг қамровли Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратиб берсин.

9. Куйидагиларни назарда тутувчи 2020–2021 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида ахолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтиришда ҳуқукий тарғиботнинг инновацион усулларини жорий қилиш;

аҳолининг ҳуқукий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

юридик таълимни, шунингдек юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

ҳуқукий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқик этиш.

Белгилаб қўйилсинки, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари Дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгардирлар.

10. Вазирлик Дастурда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолатини доимий мониторинг қилиб борсин ва хар чоракда Вазирлар Маҳкамасига мониторинг натижалари бўйича ахборот киритиб борсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 мартағи 93-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2011 й., 3-сон, 22-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг мартаға даражалари тўғрисидаги низомнинг 4-бандида:

а) олтинчи хатбошига “Адолат” миллий ҳуқукий ахборот маркази” директорига” сўzlари қўшилсин;

б) еттинчи хатбошидаги “Адолат” миллий ҳуқукий ахборот маркази директорига” сўzlари “Адолат” миллий ҳуқукий ахборот маркази директорининг ўринбосарларига” сўzlари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлик бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-ҳуқукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 30 ОКТЯБР даги 678-сон карорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот марказининг
ТУЗИЛМАСИ



Изоҳ. Боиқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 65 нафар. Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар тегишили нормативлар бўйича аниқланади.
Марказнинг айрим мутахассислари (Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси билан боевлик илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда қонун ҳужжатлари лойиҳаларни тайёрлаш учун мутахассислар, шунингдек режиссёр, креатив мұхтаррір, мұхбір, дизайнер, тасвирчи, видеомонтажчи, АКТ мутахассиси ва бошқалар) Марказ томонидан кўрсатиляган хизматлардан келиб тушадиган маблаглар ҳисобидан меҳнат бозоридаги ҳақиқий конъюнктурани ҳисобга олган ҳолда шартнома асосида жалб қилинади.

**2020–2021 йилларда жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг хуқуқий маданиятни юксалтириш				
1. Оилада ва таълим муассасаларида хуқуқий маданиятни юксалтириши				
1.	Болалар ва ёшларга хуқуқий таълим-тарбия беришнинг концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Ижрочиларнинг кўшма қарори	2020 йил декабрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин), Маънавият ва маърифат маркази (М.Ходжсиматов)
2.	Болалар ва ёшлар юридик энциклопедиясини тайёрлаш ва тарқатиш	Идоравий хужжат	2021 йил март	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ёшлар ишлари агентлиги (А. Сайдуллаев)
3.	Оила давраси учун мўлжалланган юридик энциклопедия тайёрлаш ва тарқатиш	Идоравий хужжат	2021 йил сентябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
4.	Болаларга кундалик турмушда хавфсизлик қоидаларини ўргатиш бўйича кўргазмали кўлланмалар тайёрлаш	Кўргазмали кўлланмалар	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин)
5.	Болалар ва ёшлар онгига хуқук ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини, одоб-ахлоқ нормалари ва хуқуқий маданиятни шакллантиришга доир тушунчаларни чукур сингдириб боришга қаратилган қисқа метражли медиа маҳсулотларини тайёрлаш ва стказиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил сентябрь	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги (Ф.Абдухаликов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин)

6.	Таълим муассасаларида ўқувчи ва талабалар учун давлат рамзларини эъзозлаш, хукуқ ва бурчларини тушунтириш, қадриятларни ҳурмат қилиш мавзуларида очиқ дарслар, ўқув машғулотларини тизимли ва узлуксиз ташкил қилиш	Очиқ дарслар, ўқув машғулотлари	2020 йил ноябрь	Халқ таълими вазирлиги (<u>Ш.Шерматов</u>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<u>И.Маджидов</u>)
7.	“ <i>bolahuquqlari.uz</i> ” хукуқий ахборот порталидан болалар ва ёшларнинг кенг фойдаланишини, жумладан, мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларидаги ўқув жараёнларида ушбу порталдан кенг ва самарали фойдаланишни ташкил қилиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (<u>Р.Давлетов</u>), Халқ таълими вазирлиги (<u>Ш.Шерматов</u>), Мактабгача таълим вазирлиги (<u>А.Шин</u>)
8.	Болалар ва ёшларга уларнинг хукуқлари ва эркинликлари хамда бурчларини, ўзгаларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишни тушунтиришга, шунингдек, уларга “нима яхши-ю, нима ёмон” тушунчаларини ўргатишга доир кўргазмали қўлланмалар тайёrlаш	Кўргазмали қўлланмалар	2020 йил декабрь	Адлия вазирлиги (<u>Р.Давлетов</u>), Халқ таълими вазирлиги (<u>Ш.Шерматов</u>), Мактабгача таълим вазирлиги (<u>А.Шин</u>)
9.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни, аҳамияти ва моҳиятини ўрганиш максадида: барча таълим турлари бўйича Конституцияни ўрганишга оид услубий кўрсатмалар ва бошқа дидактик воситаларга кўйиладиган талабларни замон талаблари асосида тубдан қайта кўриб чиқиш, бунда ўқитиш тизимига инновацион усувларни кенг кўллаш; Конституцияни ўрганиш бўйича қўлланмалар ва бошқа маҳсус адабиётларни кўргазмали тарзда қайта нашр этиш, уларни электрон шаклда ижтимоий тармоқлар орқали ҳам тарқатиш чорасини кўриш; Конституцияни ўрганиш бўйича тарбиячи ва методистлар, профессор-ўқитувчиларни тайёrlаш ва уларнинг малакасини ошириш чорасини кўриш.	Комплекс чора-тадбирлар режаси	2021 йил январь	Халқ таълими вазирлиги (<u>Ш.Шерматов</u>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<u>И.Маджидов</u>), Мактабгача таълим вазирлиги (<u>А.Шин</u>), Адлия вазирлиги (<u>Р.Давлетов</u>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
10.	Умумтаълим муассасаларида “Конституция бурчаги”ни ташкил этиш ва уни Конституция ва қонунлар акс этган замонавий тарғибот воситалари билан жиҳозлаш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил декабрь	Халқ таълими вазирлиги (<u>Ш.Шерматов</u>), Адлия вазирлиги (<u>Р.Давлетов</u>)

11.	Болаларнинг хуқукий онгини шакллантиришга қаратилган интерактив мобил ўйин-илова ишлаб чиқиш	Мобил ўйин-илова	2021 йил май	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А.Шин</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>)
12.	Умумтаълим муассасаларининг юқори синфлари учун “Ҳар кунлик хуқук” номли қўлланмалар тайёрлаш	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил август	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>)
13.	Болаларнинг хуқуқий билимларини ошириш борасида мобил сўз ўйинлари, шунингдек, “Хуқукий кроссвордлар”, кичик шакллардан хуқуқий аҳамиятга эга расмлар йигиш (“пазл” ва бошқалар) ва хуқукий тест ўйинларини яратиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил август	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А.Шин</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>)
14.	Таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари орасида ҳар йили хуқук фанидан қуйидаги танловларни ташкил қилиши: умумтаълим мактаблари бошлангич синф ўқувчилари ўртасида “Хуқук – бу тўғрилиkdir” расмлар танлови; умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Менинг хуқук ва мажбуриятларим” республика кўрик-танлови; ўрта маҳсус профессионал таълим тизимида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танлови; олий таълим муассасаларида “Хуқук билимдонлари” кўрик-танлови.	Кўрик-танловлар	2021 йил май	Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Ёшлар ишлари агентлиги (<i>А. Саъдуллаев</i>)

2. Кенг аҳоли қатламининг хуқуқий маданиятини юксалтириши

15.	Тадбиркорлик субъектларига тезкор равишда бепул хуқуқий маслаҳат ва мальумотлар беришни назарда тутувчи “Advice for business” маҳсус интерактив хуқуқий порталини тест режимида ишга тушириш	Ташкилий-техник тадбирлар	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Савдо-саноат палатаси (<i>А.Икрамов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Садиков</i>)
16.	Жамиятда аёллар ва эркақларнинг teng хуқуқлилигини таъминлаш, аёлларга нисбатан тазийк ва зўравонликнинг	Хуқукий маслаҳат сайти	2021 йил август	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Маҳалла ва оиласи қўллаб-

	олдини олиш мақсадида “Гендер-мадад” электрон ҳуқуқий маслаҳатчи лойиҳасини ишга тушириш (сайт, мобил илова тарзида)			кувватлаш вазирлиги (Р.Маматов)
17.	Фуқароларни, шу жумладан, мансабдор шахсларни қонунга бўйсуниш ва хурмат руҳида тарбиялапга қаратилган қисқа метражли фильмларни суратга олиш ва анимацион видеороликларни тайёрлаш ҳамда уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш	Қисқа метражли фильмлар, видеороликлар	2021 йил май	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги (Ф.Абдухаликов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), МТРК (А.Хаджаев)
18.	Аҳолига ҳуқуқ ва мажбуриятларини оддий ва ҳалқчил тилда тушунтириш бўйича видеороликлар, инфографикалар ва бошқа кўргазмали материаллар тайёрлаш ҳамда уларни телевидение ва ижтимоий тармоқларда тарқатиш	Ижтимоий видеороликлар, кўргазмали материаллар	Ҳар ойда камида бир марта	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), МТРК (А.Хаджаев), ЭОАВМА (Ф.Абдухаликов)
19.	Ҳуқуқ ва мажбуриятларни ифодаловчи турли белгилар тасвирини ишлаб чиқиш ва уларни аҳоли гавжум жойларда (бозорлар, савдо марказлари ва ҳоказо) ўрнатиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил декабрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
20.	Жамоат жойларида юриш, ўзини тутиш ва атрофидагилар билан муомала қилиш маданиятини шакллантириш бўйича йўловчи транспорт воситаларида, автобекатларда, темир йўл бекатларида ва бошқа жамоат жойларида қонун бузилиши холатларига йўл кўймаслик мақсадида огоҳлантирувчи ва тушунтирувчи баннерларни ўрнатиш	Ижрочиларнинг кўшма карори	2021 йил январь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
21.	Аҳоли ўртасида электр энергияси, табиий газ ва сувдан оқилона фойдаланиш қоидалари ҳамда уларни тежаш, майший чиқиндилар ҳамда бошқа кундалик муаммоли масалалар юзасидан фуқаролар ўртасида кенг қамровли тарғибот ишларини (инфографика, плакат ва баннерлар ўрнатиш ва бошқалар) ташкил қилиш	Учрашувлар, тушунтириш тадбирлари	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
22.	Фуқаролар ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ишларини олиб бориш, бунда Конституциянинг ҳар бир моддасининг моҳияти ва аҳамиятини кўргазмали тарзда (инфографика	Тарғибот дастури, кўргазмали материаллар ва	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

	ва бошқалар) ижтимоий тармоқлар ва телевидение орқали ахолига етказиш чорасини кўриш	бошқа ташкилий чоралар		(И.Маджидов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин)
23.	Мехнат мигрантларига хукукларини тушунтириш бўйича “Мигрантга хукуқий ёрдам” лойиҳаси (рисола, буклет, флаер, маъруза ва учрашувлар) ни ташкил қилиш	Тарғибот тадбирлари	2021 йил январь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов)
24.	Хорижга ишлаш учун кетаётган меҳнат мигрантларига турли ижтимоий-хукукий масалалар, хусусан, миграция, ишга жойлашиш ҳамда бошқа давлатларнинг қонун хужжатлари бўйича хукуқий ахборотлар берини мақсадида аэропортлар ва вокзалларда хукуқий ахборот бурчакларини ташкил қилиш ва тарғибот тадбирларини ўтказиш	Хукуқий тарғибот тадбирлари	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов)
25.	Йўл ҳаракати барча иштирокчиларининг хукуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс хукуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш, кўчаларда турли флешмоб тадбирларини ташкил қилиш	Хукуқий тарғибот тадбирлари	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобојсонов)
26.	Ногиронлар, ёлғиз пенсионерлар, ёлғиз оналар, ўқитувчилар, тадбиркорлар, кам таъминланганлар, ишсизлар ва бошқа қатлам ахоли вакиллари учун хукуқлари, уларга берилган имтиёзлар ва қўшимча кафолатларни назарда тутувчи қўлланма ва ахборот тушунтириш материалларини тайёрлаш	Кўлланмалар, тушунтириш материаллари	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов)
27.	Кўзи ожизлар учун уларга қонун хужжатларида берилган турли имтиёзлар, енгилликлар ва хукуқлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган брайл шаклидаги қўлланма ва унинг аудио шаклини тайёрлаш	Кўлланма	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ўзбекистон ногиронлар жамияти (К.Абдуллаев)
28.	Ҳарбий қисм ва муассасаларда тегишли мутахassisларни жалб қилган ҳолда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг хукуқий онги ва хукуқий маданиятини юксалтириш, уларга қонун хужжатларида назарда тутилган имтиёзларни тушунтириш	Учрашувлар, семинарлар	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Мудофаа вазирлиги (Б.Курбанов), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобојсонов), Миллий гвардия (Р.Жўраев)

29.	Тиббиёт муассасалари ходимлари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига уларнинг меҳнатга доир хукуқларини тушунтиришга қаратилган хукукий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш	Учрашувлар, семинарлар	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А.Шадманов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>)
30.	Маҳаллаларда энг долзарб ва муаммоли масалаларни чуқур таҳлил қилиш ва натижасига кўра аниқ манзилли хукукий тарғиботни амалга ошириш, ахолига тегишли қонун хужжатлари мазмун ва моҳиятини тушунарли тилда етказиш бўйича зарур чоралар кўриш	Учрашувлар, давра сұхбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирлар	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
31.	Ахоли ўртасида коррупция ва бошқа хукуқбузарликларга қарши муросасизлик туйгусини шакллантириш мақсадида куйидаги кўрик танловларини ташкил қилиш: ўқувчи ва талабалар “Коррупция – тараққиёт кушандаси” мавзусида умуммиллий иншолар танлови; ёшлар ўртасида “Коррупцияга йўқ дейлик” ва “Ёшлар коррупцияга қарши” шиорлари остида флешиблар; кенг ахоли қатлами орасида “Биз коррупцияга қаршимиз” мегатанлови (“Энг яхши блогпост”, “Энг яхши журналистик материал”, “Энг яхши юмористик асар” ҳамда “Энг яхши видеоролик” номинациялари бўйича).	Кўрик-танловлари Иншолар танлови Флешиблар Мегатанлов	2020 йил декабрь Кўшма қарорга мувофик	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>), Ёшлар ишлари агентлиги (<i>А. Саъдуллаев</i>)
32.	Ахолини қизиқтирадиган энг долзарб масалаларни аниқлаш ҳамда улар бўйича хукукий тушунтириш ва хукукий маслаҳат бериш тизимини йўлга қўйиш. Манзилли хукукий тарғибот дастури асосида ахолига қонун хужжатларининг мазмун ва моҳиятини етказиш.	Манзилли хукукий тарғибот дастури	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Адвокатлар палатаси (<i>А.Эрназаров</i>), Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлиги (<i>Р.Маматов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
33.	Фуқароларнинг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш маданиятини ошириш, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланишининг бошлангич кўникмалари бўйича маслаҳатлар бериш, шу жумладан, давлат хизматларини кўрсатиш бўйича қабул қилинган	Тарғибот-тушунтириш тадбирлари	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар

	маъмурий регламентлар талабларини таъсирчан усулларда (кўргазмали) аҳолига аниқ ва батафсил тушунтириш			
34.	Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувоғиқ аҳолига бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими хукуқий базасини янада такомиллаштириш, унинг халқаро талаблар билан уйғуналашишини таъминлаш	Комплекс чора-тадбирлар	2021 йил апрель	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Адвокатлар палатаси (<i>А.Эрназаров</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
35.	Олий таълим муассасалари талабалари ва бошқа кўнгиллilarни жалб қилиш орқали фуқароларнинг кундалик ҳаётидаги муҳим масалалар (“Хавфсизлик камарини тақмасдан машина ҳайдама”, “Ифлос қилма”, “Навбатга тур”, “Пиёдалар ўтиш жойидан ўт”, “Машинани белгиланган жойга кўй”, “Қонунбузилишни фош қил”, “Чекни талаб қил”, “Мен қонунни хурмат қиласман”, “Хукукингни талаб қил”, “Тўхта, бу ноқонуний” ва бошқалар) бўйича флешмоб тадбирларини ташкил қилиш, видеороликлар тайёрлапши	Комплекс тарғибот тадбирлари	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>), Ёшлар ишлари агентлиги (<i>А.Сайдуллаев</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
36.	Аҳолига, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож катламга (ногиронлиги мавжуд шахслар, кам таъминланганлар, ишсизлар, қарамоғида вояга етмаган болалари бор бева аёлтар ва бошқалар), айниқса кишлоқ жойларда ва бориш қийин бўлган олис туманларда хукуқий масалалар бўйича сайёр маслаҳат ва тушунтиришлар бериш амалиётини кенг йўлга кўйиш	Комплекс чора-тадбирлар	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Адвокатлар палатаси (<i>А.Эрназаров</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
37.	Узоқ йиллар хуқуқни муҳофаза қилиш органлари, суд ва давлат идораларида меҳнат қилганларнинг базасини яратиш, улар имкониятларидан жамоатчилик билан учрашувларда фойдаланиш	Ташкилий чора- тадбирлар	Ҳар ойда камида бир марта	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
38.	Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатлари мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини кенг тушунтиришга қаратилган ахборот маълумотларини	Плакатлар, флаерлар, рисола ва буклетлар	2020 йил ноябрь-декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)

	тайёрлаш ва кенг тарқатиш, шу жумладан мавзуга оид босма материалларни чоп этиш			
39.	Коррупцияга қарши курашиб соҳасидаги фаолият натижаларини телевидение, радио, босма ва электрон ОАВ орқали шу жумладан мавзуга бағишлиланган дастурларни, интервьюларни, муҳокамаларни, пресс-конференцияларни ва бошқа тадбирларни кенг ёритиб бориш	Телекўрсатувлар, радиоэшиттириш лар, брифинглар	Алоҳида медиа-режа асосида	МТРК (<i>А.Хаджсаев</i>), ЭОАВМА (<i>Ф.Абдухаликов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), манбаатдор вазирлик ва идоралар
40.	Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишни тарғиб қилиш йўналишларида ахолини, шу жумладан мансабдор шахсларнинг коррупцияга қарши муросасиз курашиб бўйича хуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган турли ижтимоий-хуқуқий кўрсатувлар ток-шоулар ва давра сухбатларини тайёрлаш ва эфирга узатиш	Сюжетли телекўрсатувлар, ток-шоулар ва давра сухбатлари	Алоҳида медиа-режа асосида	МТРК (<i>А.Хаджсаев</i>), ЭОАВМА (<i>Ф.Абдухаликов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), манбаатдор вазирлик ва идоралар
41.	Норматив-хуқуқий хужжатларни мутахассислар ва кенг жамоатчиликка етказиш, шу жумладан, норматив-хуқуқий хужжатларга шарҳлар ва тушунтиришларни тайёрлаш ва тарқатиш орқали етказиш механизмини такомиллаштириш	Идоравий хужжат	2021 йил январь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
3. Давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг хуқуқий маданиятини юксалтиши				
42.	Барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларда ходимлар учун ўз соҳасига оид қонун хужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда хуқуқий соҳадаги муҳим масалаларни ўқитиш бўйича “республика-вилоят-туман” принципида маҳсус семинарлар ташкил қилиш.	Ўкув семинарлари	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
43.	Барча маҳаллий ҳокимликларда ҳар ҳафтада “Қонунчиликдаги янгиликлар” машгулотларини тизимли ташкил қилиш, унда адлия органлари томонидан ҳафта давомида қабул қилинган қонун хужжатларининг моҳиятини ҳокимлик ва мутасадди ташкилот раҳбарларига кўргазмали тарзда тушунтириш, янги қабул қилинган қонун хужжатларида белгиланган вазифа ва топширикларнинг ижросини ташкил қилиш ҳолати бўйича тушунтириш ва йўналишлар бериш	Ўкув машғулотлари	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

44.	Давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари билимини хукуқий саводхонликнинг минимал даражаси бўйича ошириш чораларини кўриш.	Ташкилий чора тадбирлар	2020 йил ноябрь-декабрь Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), вазирлик ва идоралар
45.	Давлат органлари ва ташкилотларида Конституцияни ўрганиш тадбирларини ташкил қилиш, бунда ҳар бир ходим томонидан Конституциянинг ҳар ярим йилда камида бир маротаба ўқиб ўрганилишини ташкил қилиш. Натижаси бўйича ходимларнинг Конституцияни билиш даражасини адлия органлари томонидан синовдан ўтказиш ва баҳолаш.	Ўқув машғулотлари ва тадбирлари	2020 йил ноябрь Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
46.	Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳар ҳафталик хукуқий таълим бўйича ўқув соатларини жорий этиш ва мунтазам равишда ўтказиб борилишини ташкил этиш.	Ўқув машғулотлари	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Вазирлик ва идоралар
II. Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтиришда хукуқий тарғиботнинг инновацион усулларини жорий қилиш				
47.	Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси ва кўшимча хукуқий ахборотга кириш тизимларини (“Advice.uz” (e-maslahat.uz) хукуқий ахборот портали, “Advice for business” маҳсус интерактив хукуқий портали, юридик луғат, қонун хужжатларини муҳокама қилиш учун онлайн форум ва бошқаларни) ўз ичига олган ва фойдаланувчилар учун қулай шаклда бўлган Ўзбекистон Республикаси Миллий хукуқий интернет порталини модернизация қилиш, жумладан, бунда “аклли” излаш функцияларини назарда тутиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
48.	Медиа ресурслар, шу жумладан аҳоли гавжум жойларда ўрнатилган дисплей (Display advertising) ва LED экранларда у ёки бу хукуқий масаланинг ечими тўғрисида долзарб	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил декабрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)

	ва тўлиқ маълумотларни жойлаштириш орқали аҳолининг хукуқий онги ва маданиятини юксалтириш			
49.	Хукуқий ахборот тарқатиш усулларини янада кенг жорий этиш мақсадида аҳоли учун хукуқ соҳаси билан баглиқ хизматлар ва маълумотларни олиш имконини берувчи, шу жумладан хукуқий маълумот ресурсларини ўзида жамлаган ягона мобил илова яратиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил апрель	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
50.	Интернет жаҳон ахборот тармоғида ўзбек, рус ва инглиз тилларида юритилаётган “Хукуқий ахборот” телеграм канали аудиториясини янада кенгайтирган ҳолда, унда янги қабул қилинаётган қонун хужжатларининг кисқача мазмунини таҳдилий тарзда ёритиб бериш, шунингдек, аҳолига хукуқ ва мажбуриятларини тушунтиришга қаратилган хукуқий материалларни (хабарлар, шарҳлар, инфографикалар, видео, аудиоматериаллар ва бошқаларни) берib бориш	Тарғибот материаллари	2020 йил ноябрдан	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
51.	Фаол фуқаролик позицияси ва хукуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ҳисларини шакллантиришга хизмат қиласидиган, ўз хукуқларини ҳимоя қилишининг амалий механизмларини ўргатишга қаратилган “Street Law” хукуқий таълим дастурини кенг жорий қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни самарали ташкил қилиш	Комплекс хукуқий тарғибот тадбирлари	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>), Ёшлар ишлари агентлиги (<i>А. Сайдуллаев</i>)
52.	Давлат органлари ва ташкилотларига келиб тушган саволлар асосида ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларга ва телеграмдаги расмий каналларига аноним тарзда амалий мисолларни (“case study”) жойлаштириш ва бунда фуқароларга муаммо мазмун-моҳиятини тушунтириш, ечимларни излаш ва улардан энг мақбулини танлаш имкониятини берган ҳолда реал материалга асосланган ёки унга яқин ҳаётий хукуқий, молиявий, ижтимоий ва бошқа низоли вазиятларни баён этиш	Идоравий хужжат	2021 йил февраль	Вазирлик ва идоралар

53.	Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида “хуқуқий онлайн маслаҳатчи” хизматини жорий қилиш ва у орқали соҳа фаолиятига доир қонун хужжатларини тарғиб қилиш, шунингдек, фуқароларнинг хуқуқий масаладаги саволларига жавоб берилишини таъминлаб бориш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил ноябрь	Вазирлик ва идоралар
54.	Аҳолига хуқуқий ахборот тарқатиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари бош интерфейсида мажбурий равишда Ўзбекистон Республикасининг миллий хуқуқий интернет портали электрон манзилига (портал эмблемасини кўрсатган ҳолда) доимий тарзда ҳавола жойлаштириш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил ноябрь	Вазирлик ва идоралар
55.	Аҳоли ва ижрочиларга мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда хуқуқий ахборотни тақдим этиб боришда, шу жумладан, фуқароларнинг хуқуқий маданиятини юксалтиришда веб-технологиялардан фойдаланишни янада кенгайтириш чорасини кўриш, бунда Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ижтимоий саҳифаларда (Facebook, Twitter, Youtube, Mytube.uz ва х.к.) фаолиятини фаоллаштириш чорасини кўриш	Комплекс чора-тадбирлар	2020 йил ноябрь	Вазирлик ва идоралар
56.	“Here-and-now” тамоили асосида фуқароларга барча долзарб ва зарур хуқуқий маълумотларни тақдим қилувчи янгиланган e-maslahat.uz интерактив хуқуқий порталини (сайтини) такомиллаштириш	Интерактив ахборот-хуқуқий портали	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), “Мадад” ННТ (Т.Турсунов)
57.	“Хуқуқий тарғиботни амалга оширишда инновацион технологияларни кўллаш” танловини ўтказиш	Ташкилий чоралар	2020 йил декабрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
III. Аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш				
58.	Журналистлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерларнинг хуқуқий билимларини янада ошириш бўйича бепул ўкув курслари ва семинарлар ташкил қилиш	Ўкув курслари, семинарлар	2021 йил январь-март	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Миллий ахборот

			Режа-график асосида	агентлиги (А.Кўчимов), МТРК (А.Хаджаев)
59.	Оммавий ахборот воситалари вакиллари ва журналистлар учун ўз соҳасига оид қабул қилинган норматив-хуқукий хужжатларнинг мақсади, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш бўйича доимий равишда матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш	Матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар	Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов), МТРК (А.Хаджаев), манфаатдор вазирлик ва идоралар
60.	Фуқароларнинг хуқукий маданияти ва маърифатини оширишга хизмат қиладиган, хуқукбузарликларнинг олдини олишга қаратилган телекўрсатувлар ва радиоэшиттишлар ҳамда хуқукий мавзудаги бошқа лойиҳаларни тайёрланш	Медиа-режа	2020 йил ноябрь	МТРК (А.Хаджаев), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
61.	Давлат ва жамият ҳамда фуқаролар ҳаётидаги муҳим қонунлар, шунингдек янги қабул қилинган бошқа қонун хужжатлари моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича таҳлилий ток-шоу, баҳс-мунозара йўналишидаги кўрсатув ва эшиттишларни тайёрлаш ва эфирга узатиш	Медиа-режа	2020 йил ноябрь	МТРК (А.Хаджаев), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

IV. Юридик таълимни, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш

62.	Масофавий таълим орқали қисқа муддатли курсларда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва бошланғич таълим ўқитувчиларининг хуқуқ асослари ва бола хукуқлари бўйича малакасини ошириш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин)
63.	Олий ва ўрта маҳсус юридик таълим муассасалари ахборот кутубхона фондларини илғор хорижий мамлакатларда чоп этилган замонавий ва ихтисослашган юридик адабиётлар ва уларнинг электрон нусхалари билан бойитиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)
64.	Юридик таълим муассасаларида илғор халқаро тажрибани ўрганган холда янги ўқув режаларни ишлаб чиқиш, талабалар томонидан хукуқшунослар учун зарур бўлган	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил декабрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)

	замонавий билим ва кўникмаларни чуқур эгаллашларини таъминлаш мақсадида ихтисослаштирилган фанлар ҳажмини кўпайтиришни таъминлаш			
65.	Юридик таълим муассасаларида ўқув жараёнига судлар, ички ишлар органлари, прокуратура, божхона ва солик идоралари, шунингдек, иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлайдиган юристларни, шу қаторда халқаро (хорижий) юристларни жалб қилиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), вазирлик ва идоралар
66.	Етакчи хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан кенг ва унумли фойдаланган ҳолда Юристлар малакасини ошириш маркази ўқув жараёнига масофавий таълимни татбиқ этиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>)
67.	Ўқитишининг инновацион усулларини жорий этиш, меҳнат бозорида талаб қилинадиган кадрлар тайёрлаш учун юридик колледжларда замонавий педагогик ва ахборот технологиялари кўламини кенгайтириш	Комплекс чора-тадбирлар	2021 йил июнь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>)
V. Хукукий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш				
68.	Жамиятда хукукий ахборотни тарқатиш, хукукий онг ва маданиятни юксалтиришга қаратилган диссертациялар, илмий тадқиқотлар ва изланишлар кўламини кенгайтириш	Илмий-тадқиқот ишлари ва ишланмалари	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий аттестация комиссияси (<i>А.Юсупов</i>)
69.	Хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш муаммоларига бағишлиб конференциялар, семинарлар, давра сұхбатлари ташкил этиш	Конференциялар, семинарлар, давра сұхбатлари	2020 йил ноябрдан Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
70.	Жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш ахволи, унинг даражаси, кўламлари, динамикаси ва тенденциялари юзасидан ижтимоий, маҳсус, илмий ва бошқа изланишларни амалга ошириш	Ижтимоий, маҳсус, илмий ва бошқа изланишлар	Ҳар ярим йилда камида бир марта	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), “Ижтимоий фикр” маркази (<i>Н.Рахимова</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар

71.	Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш даражаси бўйича ўтказилган социологик сўров натижаларини оммавий ахборот воситалари, электрон ва босма нашрларда хамда вазирлик ва идораларнинг веб-сайтида доимий ёритиб бориш	Таҳлилий материаллар	2021 йил март Режа-график асосида	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), “Ижтимоий фикр” маркази (Н.Рахимова), МТРК (А.Хаджсаев)
-----	--	----------------------	--	--

